

142/406

“МАЪҚУЛЛАНГАН”  
“Микрокредитбанк”  
акциядорлик-тижорат банки  
Бошқарувининг  
2022 йил “16” июн даги  
50-1-сонли қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”  
“Микрокредитбанк”  
акциядорлик-тижорат банки  
Кузатув кенгаши мажлисининг  
2022 йил “16” июн даги  
39-сонли баённомаси билан

Бошқарув раиси

О. Бутаев



Кузатув кенгаши раиси

О. Исаков



“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг  
Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси тўғрисидаги  
Низом

Тошкент – 2022 йил

## **1-боб. Умумий қоидалар**

1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг “Тайинловлар ва ҳақ тұлаш құмитаси түғрисида”ги Низом (кейинги үринларда – Низом) Үзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти түғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш түғрисида”ги Қонунлари, Үзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон “Тадбиркорлик мұхитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий үсиш учун шартшароитлар яратиш борасидаги навбатдаги испоҳотлар түғрисида”ги Фармони, Үзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2021 йил 29 мартағы 166-сон қарори билан тасдиқланған “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва испоҳ қилиш стратегияси”, “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув түғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 3254, 2020 йил 30 июнь) ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга, шунингдек “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг (кейинги үринларда – банк) Устави, “Кузатув кенгashi түғрисида”ги Низом ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом банкнинг Тайинловлар ва ҳақ тұлаш құмитасининг (кейинги үринларда – Құмита) вазифа ва ваколатлари, мажбуриятлари, шакллантириш ва фаолият юритиш тартиби, Кузатув кенгашига ҳисоботлар тақдим қилиш тартиби ва бошқа фаолият асосларини белгилайди.

3. Құмита банқда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган:

самарали кадрлар сиёсатининг юритилишини таъминлаш;  
мәхнатга ҳақ тұлашнинг ички тизими банкнинг таваккалчиликтарни қабул қилиш даражасига, узоқ муддатлы стратегияни амалга оширишга, риск-аппетитига, молиявий натижаларга, ички назоратнинг тизимига, қонунчилік талабларига ва банк ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқлиги бўйича банк Кузатув кенгашига ёрдам кўрсатиш ва тавсиялар киритиб бориш.

4. Құмита Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлиб, ўз фаолиятини Үзбекистон Республикаси қонунчилиги, банк Устави ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

## **2-боб. Құмитанинг вазифа ва ваколатлари**

5. Құмитанинг асосий вазифаси ваколат доирасида масалаларни чуқур ўрганиш ҳамда улар бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек Кузатув кенгашининг назоратга доир вазифаларини бажаришида унга кўмаклашиб ҳисобланади.

Құмита Кузатув кенгashi қарорларининг ижроси, банк стратегияси ва мақсадларининг бажарилиш жараёнини таҳлил қиласи, банк фаолиятига оид мунтазам ҳисоботлар ва ўзларининг тавсияларини банк Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

6. Құмита ўз фаолияти давомида қуйидаги вазифаларни бажаради ва ваколатларни амалга оширади:

кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиша ва унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишида Кузатув кенгашига таклиф ва тавсиялар киритиш;

Бошқарув аъзоларини, муҳим аҳамиятга эга ходимларни тайинлаш ва рағбатлантириш масалаларига оид низомлар талабларини кўриб чиқиш ва уларга риоя қилиш бўйича Бошқарувга тавсиялар бериш;

банк ходимларига ҳақ тўлашнинг самарали ва шаффоф амалиётини шакллантириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

Бошқарув аъзолари ва унинг қўмиталари аъзолари, муҳим аҳамиятга эга ходимлар фаолиятида узлуксизликни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда уларни тайинлаш бўйича тегишинча Кузатув кенгashi ва Бошқарувга тавсиялар ишлаб чиқиш;

Корпоратив маслаҳатчи, Ички назорат департаменти директори, Корупцияга қарши ички назорат (Комплаенс-назорат) хизмати раҳбари лавозимига номзодлар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, уларнинг ваколатларини тасдиқлаш ва муддатидан олдин тугатиш, чораклик фаолиятини баҳолаб бориш, иш ҳақи миқдорини белгилаш бўйича Кузатув кенгашига тавсиялар ишлаб чиқиш;

Қўмита ваколатлари доирасига кирувчи низомлар, уларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш юзасидан Кузатув кенгашига таклифлар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

номзодларни Бошқарув аъзолигига тайинлаш, унинг аъзолари сонини белгилаш, ваколатларини муддатидан олдин тугатиш, шу жумладан улар билан тузилган шартномаларни муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш масалалари бўйича Кузатув кенгашига тавсиялар ишлаб чиқиш;

банкнинг Кузатув кенгашига сайланадиган номзодлар бўйича тавсияларни шакллантириш;

Қўмитага маълум бўлган барча ахборотлар асосида банкнинг Кузатув кенгашига номзоди кўрсатилган шахсларнинг касбий малакаси ва мустақиллигини таҳлил қилиш;

Кузатув кенгashi ва унинг қўмиталари иши тартиботларини такомиллаштиришга нисбатан тавсиялар ишлаб чиқиш;

банкнинг Кузатув кенгashi аъзоларини ва Кузатув кенгashi қўмиталарини баҳолаш бўйича ҳар йили расмийлаштирилган тартиботни ўтказиш, банкнинг йиллик ҳисботига киритиш учун баҳолаш натижалари тўғрисида ҳисбот тайёрлаш;

Кузатув кенгashi аъзоларининг шахсий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кенгашнинг айрим аъзолари учун ўқитиш ва малака ошириш дастурларини шакллантириш ҳамда ушбу дастурларнинг амалга оширилиш устидан назорат қилиш;

Кузатув кенгashi ва Бошқарув аъзолари ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимларни мукофотлаш бўйича сиёсатни ишлаб чиқишида иштирок этиш ва уни камида бир йилда бир маротаба қайта кўриб чиқиш;

мукофотлаш сиёсати ҳамда турли хил рағбатлантириш дастурларининг жорий қилиниши ва амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

мехнатга ҳақ тўлаш ва компенсация қилишга оид қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш;

Кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзолари ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимларга мукофот тўловларини белгилашда уларнинг мажбуриятлари ва мос равишда таваккалчиликларни қабул қилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда уларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

банк Бошқарув раиси ва аъзоларини ҳамда бошқа мансабдор шахсларининг фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

агарда Кузатув кенгаши томонидан ушбу вазифа юклатилган бўлса, мукофотлаш сиёсатида акс эттирилган мезонлар асосида Кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзолари, шунингдек, муҳим аҳамиятга эга ходимларнинг йил якунлари бўйича фаолиятини дастлабки баҳолашдан ўтказиш, шунингдек, ушбу шахсларнинг узоқ муддатли белгиланган мақсад ва вазифаларга эришганини таҳлил қилиш;

банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш учун олдиндан кўриб чиқиш ва таклифлар тайёрлаш;

йил натижалари бўйича корпоратив маслаҳатчи фаолиятини дастлабки баҳолаш ва корпоратив маслаҳатчини мукофотлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

банкнинг Кузатув кенгаши аъзолари, Бошқарув раиси ва аъзоларини ва бошқа мансабдор шахсларни мукофотлаш тўғрисидаги ахборотнинг ўз вақтида ошкор қилиниши устидан назорат олиб бориш;

мехнатта ҳақ тўлаш ва компенсация тизими банк ички ҳужоатларига мувофиқлигини баҳолаб бориш;

Кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш;

Персонални бошқариш департаменти ҳисботларини камида ҳар чорақда бир марта кўриб чиқиш;

Кузатув кенгаши томонидан юклатилган бошқа вазифаларни амалга ошириш;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш, шунингдек Кузатув кенгашининг Қўмита фаолиятидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган кўрсатмаларини бажариш.

### **3-боб. Қўмитанинг таркиби ва уни шакллантириш тартиби**

7. Қўмита аъзолари Кузатув кенгашининг 3 (уч) нафар аъзосидан ташкил топади.

Қўмита таркибига камида 1 (бир) нафар Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси киритилиши шарт.

8. Қўмитанинг таркиби Кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланади.

9. Қўмита таркибига унинг раиси ва аъзолари Кузатув кенгаши раиси тавсияси билан киритилади.

10. Қўмита таркиби ва аъзолигига чекловлар:

Қўмита бошқа қўмита аъзолигида бўлган айнан бир шахслар таркибидан иборат бўлиши мумкин эмас;

Кузатув кенгашининг бир аъзоси бир вақтнинг ўзида турли қўмиталар раиси бўлишига йўл қўйилмайди;

Қўмитанинг қўпчилик аъзолари банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно;

Қўмита раиси Кузатув кенгаши раиси бўлмаслиги лозим.

11. Қўмита аъзолари олий маълумотга эга бўлиши, Қўмитанинг вазифаларини бажариш ва ваколатларини амалга ошириш салоҳиятига эга бўлиши лозим.

12. Кузатув кенгаши аъзоси бўлган, Қўмитага сайланган шахслар чекланмаган миқдорда қайта сайланишлари мумкин.

13. Кузатув кенгаши раиси ёки Қўмита раиси заруриятга кўра, Қўмитанинг таркибига исталган вақтда ўзгартиришлар киритишни ташаббус қилиш ҳуқуқига эга.

#### **4-боб. Қўмита аъзоларининг ваколатлари муддати**

14. Қўмита аъзоларининг ваколатлари муддати Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланади.

15. Кузатув кенгаши Қўмита таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига асосан, Қўмитанинг барча ёки алоҳида аъзоларининг ваколатлари муддатини белгилаш ҳуқуқига эга.

16. Агар Қўмита аъзоларининг ваколатлари муддати Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланмаган бўлса, Қўмита аъзоларининг ваколатларини амалга ошириш учун бу муддат Кузатув кенгаши аъзоси сифатидаги ваколати муддатига қадар амал қиласи, Қўмитанинг барча ёки алоҳида аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

17. Қўмитанинг барча ёки алоҳида аъзоларининг ваколатлари қўйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

Қўмита аъзосининг ўз илтимоси (аризаси)га биноан;

Қўмита аъзосининг Кузатув кенгаши аъзоси сифатида ваколати муддатидан илгари тугатилганда;

Кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ Қўмита аъзосининг ваколати муддатидан илгари тугатилганда;

Кузатув кенгашининг янги таркиби сайланиши муносабати билан.

18. Қўмитанинг барча ёки алоҳида аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши Кузатув кенгаши қарори билан расмийлаштирилади.

#### **5-боб. Қўмита аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

19. Қўмита аъзолари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Қўмита мажлислари кун тартиbidаги масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиш;

Қўмита томонидан ўз мажлисларининг кун тартиbidаги ҳар бир масала бўйича қарор қабул қилинишида овоз бериш;

Қўмита мажлисларида шахсан қатнашиш имконияти бўлмаган тақдирда, Қўмита мажлисларида қатнашиш ва/ёки ушбу Низомда назарда тутилган бошқа усуllар билан қарорлар қабул қилиш;

Кузатув кенгаши, Башқарув ва банкнинг тегишли таркибий бўлинмаларидан Қўмита ваколати ва вазифалари доирасида ҳар қандай масала бўйича тўлиқ, асосли фикрни шакллантириш учун зарур ва етарли даражада маълумот ва ҳужжатларни сўраш;

агар банкка жиддий моддий заарар етказилишига олиб келган ёки етказилишига олиб келиши мумкин бўлган қоидабузилишлар аниқланса, банк Башқаруви мажлиси чақирилишини талаб қилиш;

банкнинг таркибий бўлинмалари ходимлари, шу жумладан раҳбарларидан кўриб чиқилаётган масалалар бўйича изоҳлар талаб қилиш;

айбордor ходимларни интизомий, мулкий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортиш масалаларини раҳбариятига кўриб чиқиш учун тақдим қилиш;

банкнинг дастлабки бухгалтерия, молия ва бошқа ҳужжатларидан фойдаланиш;

Қўмита ваколатлари доирасидаги қарор ва топшириқларни бажариш, Қўмита мажлисларида иштирок этиш мақсадида зарур бўлган ҳолатларда Қўмита раиси қарори билан Бакннинг раҳбар ходимларини, банк Кузатув кенгашининг бошқа аъзоларини даврий ёки мунтазам равишида таклиф этиш;

Қўмита фикрига кўра масалани чуқурроқ ўрганилишига зарур бўлса, Қўмита ваколатларига тегишли бўлган масала бўйича ўз ташаббусига кўра, банк Кузатув кенгашининг бошқа қўмиталарининг фикрини талаб қилиб олиш;

Қўмита томонидан кўриб чиқиладиган ҳар қандай масалалар бўйича ўзининг алоҳида фикрини билдириш ва унинг алоҳида фикрини Қўмита мажлиси баённомасида акс эттиришни ва уларни қўмитанинг қарори (тавсиялари) билан биргалиқда Кузатув кенгашига тақдим этишни талаб қилиш;

ўзининг асосий вазифалари ва ваколатларига мос келадиган масалаларни Қўмита томонидан кўриб чиқилишига таклиф киритиш;

зарур ҳолларда Қўмита ваколати ва вазифаларига кирувчи масалалар бўйича маҳсус билимга ва кўнирма эга бўлган учинчи шахсларни мутахассис (маслаҳатчи) сифатида жалб қилиш;

банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаш учун мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар бериш;

тақдим этилган ҳужжатлар асосида тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш ва банк Кузатув кенгаши муҳокамасига киритиш;

Қўмита мажлиси кун тартибига киритиш учун масалалар таклиф қилиш;

қонунчиликка мувофиқ Қўмита аъзолари бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## 20. Қўмита аъзоларининг мажбуриятлари:

Қўмита мажлисларида қатнашиш ва қўмита кун тартиbidаги масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиш;

Қўмита мажлисларида шахсан қатнашиш имконияти бўлмаган тақдирда, Қўмита мажлисларида қатнашиш ва/ёки ушбу Низомда назарда тутилган бошқа усувлар билан қарорлар қабул қилиш;

Қўмита мажлисида тақдим этилган материаллар ва ҳужжатлар билан танишиш ва уларни ўрганиш;

Қўмита томонидан ўз мажлисларининг кун тартибида қарорлар қабул қилинишида овоз бериш;

Қўмита мажлисининг кун тартибида муҳокама қилинаётган масалалар бўйича шахсий манфаатдорлиги мавжудлиги тўғрисида Қўмитанинг бошқа аъзоларини дарҳол хабардор қилиш;

Қўмита мажлисининг кун тартибидаги масалаларини кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш вақтида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақида Қўмита ва Кузатув кенгашининг бошқа аъзоларини дарҳол хабардор қилиш;

мукофотлаш сиёсатини тасдиқлаш учун Кузатув кенгашига киритиш ҳамда унинг ижросини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Низом, Банк Устави ва ички ҳужжатлари асосида ўзига юклатилган вазифаларни бажариш ҳамда ўз фаолиятини сидқидилдан олиб бориш;

банк акциядорларининг хуқуқлари, манфаатлари ва қизиқишларини ҳимоя қилиш принциплари асосида фаолият юргизиш;

ўз вазифаларини бажаришда банкка зарап етказиши ёки бошқа зарап етказиши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик, шунингдек бундай ҳаракатлар ва баёнотларни бажаришдан тийилиш;

банк тизимида банк сири ва тижорат сирига оид маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда сир сақланишини таъминлаш.

Қонунчиликка мувофиқ Қўмита аъзоларига бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

## **6-боб. Қўмита раиси ва унинг ваколатларига қўйиладиган талаблар**

21. Қўмита раиси Қўмита ишига раҳбарлик қилади ва унинг Кузатув кенгаши билан муносабатларини мувофиқлаштиради.

22. Қўмита раиси етакчилик фазилатларини, кучли мулоқот қўнималарини эгаллаши ва намойиш қилиши, ўз вазифаси ва мажбуриятлари билан боғлиқ вазифаларини билиши ва тушуниши керак.

23. Қўмита раисининг ваколатларига қуйидагилар киради:

Қўмита ишини умумий бошқариш ва ташкил этиш;

Қўмита мажлисларининг кун тартибини тасдиқлаш;

Қўмита мажлисларини чақириш;

Қўмита мажлисларида раислик қилиш ва масалалар муҳокамасини ташкил этиш;

Қўмита мажлисларининг кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича Кузатув кенгашига тавсияларни тақдим этиш;

Кузатув кенгаши қарорлари билан белгиланган бошқа ваколатларни амалга ошириш ва Қўмита номидан ҳужжатларни имзолаш.

## **7-боб. Құмита иш тартиби ва мажлислари**

24. Құмита мажлислари заруратга қараб ёки Құмита мажлислари жадвалига мувофиқ, лекин ҳар чорақда камида бир марта ўтказилади.

25. Құмита мажлиси Құмита раиси ёки у бўлмаган тақдирда унинг ўрнини эгаллаш ҳуқуқига эга бўлган шахс, Бошқарув раиси ёки унинг ўрнини босувчи шахс, зарур ҳолларда Бошқарувнинг бошқа аъзолари, Персонални бошқариш департаменти директори ёки унинг ўрнини босувчи шахс, шунингдек Кузатув кенгashi ёки Құмита аъзоси талабига биноан чақирилиши мумкин.

26. Құмита мажлисида Құмита аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган бўлса, мажлис кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш ваколатига (кворумга) эга бўлади.

27. Құмита аъзолари Құмита мажлисларида баланд овозли видео ёки телефон алоқаси ёки бошқа ажратилган алоқа каналлари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бироқ, бу ҳолатда иштирок этиш тизими қуйидагиларни таъминлаши керак:

тизимга уланиш усуллари Құмита аъзосининг шахсини ишончли аниқлашга имкон берishi;

Құмита аъзоси томонидан тақдим этилган овоз аниқлик билан қайд этилиши;

Қўмитанинг ҳар бир қарори учун овоз беришда Құмита аъзосига мажлис кун тартибидаги бирон-бир масала бўйича ўз фикрини билдириш ва реал вақт режимида унинг муҳокамасида иштирок этиш имкониятига эга бўлиши;

шунингдек давлат, тижорат, банк ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларнинг сақланишини таъминлаши.

28. Құмита аъзоларининг Құмита мажлисида шахсан ёки ушбу Низом 27-бандида назарда тутилган бошқа усуллар билан иштирок этиш имкони бўлмаса, Құмита аъзоси Құмита раиси билан келишилган ҳолда олдиндан ёзма равишда (бюллетенни тўлдириш ёки бошқа тарзда) Қўмитанинг тегишли мажлиси кун тартибига киритилган масала бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга.

Құмита аъзосининг илгари берилган овозлари ушбу мажлисда қатнашган Құмита аъзоларининг овозларини ҳисоблашда ҳисобга олинади, агар ушбу овоз ушбу мажлисда қатнашган Қўмитанинг қолган аъзоларининг фикрига биноан бир овозли ва асосли равишда берилган бўлса. Құмита қарорларини қабул қилишда бундай иштирок этишга Құмита аъзоларининг камида учдан икки қисми шахсан қатнашган тақдирда йўл қўйилади.

29. Зарур бўлганда, Кузатув кенгашининг бошқа аъзолари, Бошқарув аъзолари, бошқа таркибий бўлинмалари ходимлари Құмита мажлисларига овоз бериш ҳуқуқисиз таклиф қилиниши мумкин.

30. Қўмитага раҳбарлик қилиш ва фаолиятини ташкил этиш Құмита раиси томонидан амалга оширилади. Құмита раиси бўлмаганда унинг вазифасини Құмита аъзоларидан бири амалга оширилади..

31. Қўмитанинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Қўмитанинг ҳар бир аъзоси фақат ўзи учун овоз бериши мумкин ва унинг овозидан фойдаланган ҳолда Қўмитанинг бошқа аъзоси номидан овоз бериш таъқиқланади. Овозлар teng келган тақдирда, Құмита раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

32. Қўмитанинг қарорлари очиқ овоз бериш орқали Қўмита аъзолари умумий овозининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозларни санаш, уларни аниқлаш ва овоз бериш натижаларини акс эттириш Қўмита мажлиси котиби томонидан амалга оширилади.

33. Алоҳида ҳолларда, Қўмитанинг қарорлари сиртдан овоз бериш орқали қабул қилиниши мумкин. Қўмитанинг сиртдан овоз бериш орқали қарор қабул қилиш имконияти Қўмита раиси томонидан алоҳида ҳолатларда ва кўриб чиқилаётган масалаларнинг долзарблиги даражасини ва уларни тезкор кўриб чиқилишини ҳисобга олган ҳолда Қўмита аъзолари билан келишилган ҳолда белгиланади.

34. Қўмитанинг сиртдан овоз бериш орқали қабул қилинган қарори, кун тартибидаги масалалар бўйича Қўмита аъзоларининг умумий сонига ва улар бўйича овоз бериш натижаларига кўра, Қўмита раиси томонидан (қоғозда ёки электрон тарзда) олинган овоз бериш бюллетенлари ҳисобга олинган кворум бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади. Белгиланган муддат тугагандан сўнг олинган овоз берилмаган ҳисобланади ва овоз бериш бюллетенлари овоз бериш кворумини ва овоз бериш натижаларини ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

35. Бошқарув аъзолари, Персонални бошқариш департаменти ва бошқа таркибий бўлинмалар ходимлари Қўмитага ёрдам кўрсатиши, шунингдек ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича Қўмитанинг кўрсатмаларини бажариши шарт.

36. Бошқарув ва банк Бош офиси таркибий бўлинмаларининг Қўмитага мурожаатлари одатда Кузатув кенгаши котибияти орқали тақдим этилади.

37. Қўмитанинг қарор, топшириқ, кўрсатма ва бошқа мурожаатлари тегишинча Бошқарув ва банк Бош офиси таркибий бўлинмаларига Кузатув кенгаши котибияти орқали ёки зарур ҳолларда тўғридан-тўғри етказилади.

38. Қўмита мажлисларида Кузатув кенгаши котибияти ходимларидан бири котиблиқ қиласида ва мажлис котиби Қўмита мажлисларида овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этади. Заруратга кўра, Қўмита мажлис бошланишида банкнинг бошқа таркибий бўлинмаси ходимларидан бирини котиб этиб сайлаши мумкин.

#### **8-боб. Қўмита мажлисларининг қарорлари**

39. Қўмитанинг мажлисида қабул қилинган қарорлар мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади.

40. Қўмита мажлиси баённомаси Қўмита котиби томонидан беш иш кунида тузилади ва мажлисга раислик қилган шахс, Қўмита аъзолари ва котиби томонидан имзоланади.

41. Қўмита мажлисининг баённомаси ушбу мажлисда қатнашган Қўмита аъзолари билан таништирилиши ва уларнинг розиликларини олиш учун тасдиқланиши керак. Қўмита мажлиси баённомасининг бундай тасдиқланиши электрон алоқа воситасида, шунингдек Қўмитанинг кейинги мажлисида амалга оширилиши мумкин.

42. Агар Қўмита аъзоси Қўмита мажлисида қабул қилинган қарорига рози бўлмаса, у ўзининг алоҳида фикрини ушбу мажлис баённомасида акс эттиришни ёзма равишда талаб қилишга ҳақлидир, бунда ушбу Қўмита

аъзосининг ёзма сўрови мажлиснинг тегишли баённомасига мажбурий илова ҳисобланади.

43. Қўмита мажлисининг баённомасида қўйидаги маълумотлар бўлиши керак:

мажлис санаси, вақти ва жойи;

мажлисда иштирок этган Қўмита аъзолари ва шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

мажлис кун тартиби;

мажлис қатнашчилари томонидан овозга қўйилган Қўмита қарорларининг матни;

мажлис қатнашчиларининг овоз бериш натижалари (ушбу мажлис иштирокчиларини “ёқлайман”, “қаршиман”, “бетарафман” варианtlари бўйича овоз берганларни аниқлашга имкон берадиган маълумотлар кўрсатилган ҳолда);

Қўмитанинг қабул қилинган қарорлари матни;

Қўмита қарорига биноан бошқа маълумотлар.

44. Қўмитанинг сиртдан овоз бериш орқали қабул қилинган қарори ёзма шаклда расмийлаштирилади, унга Қўмита раиси ва котиби имзо чекадилар, шунингдек, улар тақдим этган сиртдан овоз бериш бюллетенларида ёки бошқача тарзда ўз позицияларини билдирган Қўмита аъзолари томонидан тасдиқланади.

45. Қўмита томонидан қабул қилинган қарорлар (ташқи мажлислар ёки сиртдан овоз бериш) асосида, кўриб чиқилаётган масалалар бўйича Қўмитанинг ёзма тавсиялари тузилиши мумкин, улар Кузатув кенгашига тақдим этилиши керак. Қўмитанинг бундай тавсиялари Кузатув кенгашида кўриб чиқилаётган масала бўйича Қўмитанинг фикрини акс эттиради ва мазкур тавсиялар объектив ва асослантирилган бўлиши керак.

46. Қўмита мажлисларининг баённомалари, шунингдек сиртдан овоз бериш бюллетенлари ва бошқача тарздаги овоз бериш маълумотлари Кузатув кенгаши котибияти томонидан сақланади. Бошқарув Қўмита мажлислари баённомаларининг хавфсиз сақланиши учун шарт-шароитлар яратиш, Қўмита томонидан қабул қилинган қарорлар нусхалари, овоз бериш бюллетенлари, баённомалар журнали, Қўмита мажлислари баённомаларидан кўчирмалар бериш учун жавобгардир.

#### **9-боб. Қўмита фаолияти самарадорлигини баҳолаш**

47. Кузатув кенгаши томонидан Қўмитанинг ҳар бир аъзосининг самарадорлигини йилига камида бир маротаба Қўмитанинг ўтган даврдаги фаолиятини баҳолаш мақсадида кўриб чиқади.

#### **10-боб. Қўмита аъзоларига мукофотлар**

48. Қўмита аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори, Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот тўлаш тартибига мувофиқ белгиланади ва тўланади.

#### **11-боб. Қўмита фаолияти тўғрисидаги ҳисбот**

49. Қўмита ҳар чорақда Кузатув кенгашига ўзининг фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисботини тақдим этади.

50. Қўмита ҳисоботи муҳокама қилинган масалалар, тасдиқланган иш режанинг бажарилиши ва Кузатув кенгаши топшириқларининг ижро этилиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

51. Қўмита ҳисоботи Кузатув кенгашига Қўмита раиси томонидан ёки Қўмитанинг бошқа аъзоси номидан ёзма ёки оғзаки маърузалар шаклида бўлиши мумкин.

### **12-боб. Қўмита аъзоларининг жавобгарлиги**

52. Қўмита аъзолари ўз хуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда банкнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

53. Банкка зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Қўмита аъзолари жавобгар бўлмайди.

### **13-боб. Якуний қоидалар**

54. Ушбу Низом Кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқланган кундан эътиборан кучга киради.

55. Ушбу Низомга ўзгартериш ва қўшимчалар Кузатув кенгаши қарори билан киритилади.

56. Ушбу Низом кучга кирган кундан бошлаб банк Кузатув кенгашининг 2021 йил 13 августдаги 7-сонли баённомаси билан тасдиқланган банкнинг "Тайинлов ва рағбатлантириш қўмитаси тўғрисида"ги Низоми ўз кучини йўқотади.

57. Ушбу Низом шартларини бузганлиқда айбор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

